

Бўлажак Ўқитувчиларнинг Мустақил Таълимини Ташкил Этишни Педагогик Шартлари

Р. Т. Аюезова¹

Аннотация: Ушбу мақолада кредит-модуль тизими шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил таълимини ташкил этишни педагогик шартларига оид фикр мулоҳазалар келтирилган. Шунингдек, бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил таълимини ташкил этишга оид таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: мустақил таълим, кредит-модуль, педагогика шарт, электрон таълим ресурс, веб-квест.

Бугунги кунда мамлакатимиз олий таълим муассасалари кредит-модуль тизимига ўтканлиги туфайли бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил таълим олиш ва ўзини-ўзи тарбиялашнинг педагогик шартларини қайт кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлмоқда.

Таълимнинг кредит-модуль тизими шароитида бўлажак ўқитувчининг мустақил таълим олиш тизимини самарали ташкил этишни ривожланиши ва ўзини-ўзи тарбиялашнинг педагогик шартларини бевосита кўриб чиқишдан олдин “шарт” тушунчасини таърифига тўхталиб ўтиш лозим.

Бу борада В.А.Сластенин [1], А.М.Исаев [1], А.М.Мищенко [1]лар “шарт” тушунчасини фалсафий жиҳатда талқин этган. Уларнинг таъкидлашича, “шарт” фалсафий категория сифатида объект ёки жараённинг, уни ўраб турган ходисаларга муносабатини ифодалайди, уларсиз у мавжуд бўлмайди. Тўғридан-тўғри у ёки бу ходисани (жараённи) келтириб чиқарадиган сабабдан фарқли ўлароқ, шароитлар жараён юзага келганда, мавжуд бўлган ва ривожланадиган соҳа муҳитни ташкил этади. Фалсафий энциклопедик луғатда эса “шарт” тушунчаси қуйидагича изоҳланади: 1) инсон яшайдиган ва уларсиз мавжуд бўлолмайдиган муҳит; 2) бирор нарса содир бўладиган муҳит [2].

Шарт тушунчасини психологик нуқатий назардан талқин этганда шахснинг психологик ривожланишини белгиловчи, уни тезлаштирувчи ёки секинлаштирувчи, шунингдек, ривожланиш жараёнига ҳамда динамикасига таъсир этувчи ташқи ва ички сабабларнинг бирикмасидир. Педагогика шарт эса – бу ўзгарувчан табиий, ижтимоий, ташқи маълумотлар йиғиндисидир. Шахснинг жисмоний, ахлоқий, ақлий ривожланишига ва хулқ-атвориغا, унинг таълим ва тарбиясига таъсир қилувчи ички таъсирлардир [3]. Булардан хулоса қилб айтганда, шартлар маълум бир вазиятда инсониятга таъсир қиладиган ҳолатлардир.

Бу борада Н. Г.Баженова, И. В. Хлудееваларнинг фикрига кўра, шартлар - маълум бир ходисанинг юзага келиши учун зарур бўлган, лекин ўз-ўзидан уни келтириб чиқармайдиган ходисалардир. Характердан шартлар маълум сабабнинг ҳаракат усули ва таъсирнинг табиатига боғлиқдир. Шартларни ўзгартириш орқали сабабнинг ҳаракат усулини ҳам, таъсир характерини ҳам ўзгартириш мумкин [4].

“Педагогик шартлар” тушунчасига оид фикр мулоҳаза юритганда, ушбу таърифнинг кўп талқинлари мавжудлигини таъкидлаш лозим. Масалан, Т.Парсонс [5], А.В.Лысенко [6], А.В.Сверчков [7]лар фикрига кўра, педагогик шарт-шароитлар - тарбиявий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган педагогик таъсир чоралари мажмуидир. Н.Ипполитова [8], В.А.Ширяева [9], А.Х.Хушбахтов [10]ларнинг таъкидлашича, педагогик шарт-шароитлар педагогик тизимнинг таркибий қисмларидан бири сифатида қарайдиган, бу тизимнинг шахсий ва процессуал томонларига таъсир кўрсатадиган, унинг самарали ишлаши ҳамда ривожланишини таъминлайдиган ўқув ва моддий-маънавий муҳит имкониятларининг умумийлигини акс эттиради [8, 9].

Юқорида келтирилган олимларнинг ишларини таҳлил этиш асосида педагогик шарт-шароитлар уч турга ажратиш мумкин: ташкилий-педагогик, педагогик-психологик ва дидактик. Ташкилий-педагогик шарт-шароитлар таълим муаммоларини ҳал қилишга имкон берувчи омиллар мажмуи сифатида тушунилади (А.А.Володин [11], Н.Г.Бондаренко [11], Г. А.Демидова [12], А. В.Сверчков [13] ва бошқалар). Педагогик-психологик шароитлар – ўқитувчининг ўқувчига таъсирини педагогик чораларини таъминлайдиган шартлар, таълим жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган (В.Загвоздкин [14], П.Т.Долгов [15], С.Б. Михайлова [16], М.В.Ермолаева [17], М.А. Романова [18] ва бошқалар). Дидактик шарт-шароитлар таълим мақсадларига эришиш учун таълимнинг мазмуни, усуллари ва ташкилий шакллари мақсадли танлашдир (Е.В. Ключенко [19], Р.Г.Шамсутдинова [20], Е.М.Шувалова [20] ва бошқалар).

Педагогик шартларнинг ҳар бир тури маълум функциялар мажмуи билан тавсифланади. Масалан, ташкилий-педагогик шарт-шароитларнинг асосий вазифаси педагогик жараённинг процессуал жиҳатини бошқаришдир.

¹ Нукус давлат педагогика институти таянч докторанти

Психологик-педагогик шароитларнинг вазифаси шахсни тарбиялаш ва ривожлантиришга қаратилган аниқ педагогик тадбирларни ташкил этишдир. Дидактик шартларнинг вазифаси эса таълим мақсадларига эришиш учун ишнинг мазмуни, усуллари ва шакллари танлашдир.

Бизнинг фикримизча, "педагогик шартлар" тушунчасининг энг тўлиқ ва аниқ таърифини М.И.Шалинни таърифига таяниш лозим. Педагогик шарт-шароитлар деганда у шахснинг ривожланишига таъсир этувчи жараёни тушунади, бу ташқи ҳолатларнинг ички субъектлар ва ҳодисаларнинг бирикмасидир [21].

Келтирилган таърифларга асосланиб, ушбу тушунчага ўз талқинимизни келтирамиз. Демак, тадқиқотимизда педагогик шарт-шароитлар олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бўлажак ўқитувчиларнинг кредит-модуль тизимида мустақил таълимни ташкил этиш тизимини такомиллаштиришга таъсир этувчи ҳолатлар мажмуи тушунилади.

Олий таълим муассасаларида кредит-модуль тизимининг муҳим хусусиятлари, бўлажак ўқитувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялаш ва мустақил равишда таълим олиш компетенциясини шакллантириш жараёнини ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ўқув фаолиятига тайёрлашга ўрганилаётган муаммо нуқтаи назаридан олий таълимнинг ижтимоий буюртмасидан келиб чиққан ҳолда, шахсий-фаолият ва ахборот ёндашувларининг имкониятлари асосида қуйидаги педагогик шартларни келтириш мумкин:

- бўлажак ўқитувчиларнинг мотивациясини ошириш орқали мустақил равишда таълим олишни амалга ошириш;
- интерфаол ўқув воситалардан (тақдиротли дастурлар, ўргатувчи дастурлар, виртуал таълим технологиялари, фаол тарқатма материаллар, анимацияли кўргазмали қуроолар, баҳоловчи ва назорат қилувчи дастурлар) фойдаланиш орқали бўлажак ўқитувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялаш фава мустақил таълимни ташкил этишни фаоллаштириш;
- бўлажак ўқитувчининг кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш.
- Кўриб чиқилган педагогик шартлар қуйидаги вазифаларни амалга оширишга қаратилган:
 1. бўлажак ўқитувчининг ички мотивларини ошириш ва ўз-ўзини тарбиялаш ҳамда мустақил таълим олиш қобилиятини ривожлантириш;
 2. узлуксиз мустақил таълим олиш имкониятини таъминлаш;
 3. бўлажак ўқитувчиларнинг фаол субъекти сифатида шакллантириш;
 4. бўлажак ўқитувчининг ўз-ўзини тарбиялаш ва мустақил равишда таълим олиш компетенциясини ривожлантириш тизимини такомиллаштириш.

Ушбу шартларнинг ҳар бири маълум даражада таълим олувчининг шахсий хусусиятларини ривожланишига таъсир этади ва жараёнининг ташқи (ташкилий) томонини тартибга солади. Шундай қилиб, белгиланган шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, кредит-модуль тизими шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил таълим олиш жараёни янада самарали бўлиш имконини беради. Келтирилган педагогик шартларнинг ҳар бирини назарий жиҳатдан асослаб берайлик.

Биринчи педагогик шартни аниқлаш - бўлажак ўқитувчиларнинг мотивациясини ошириш орқали мустақил равишда таълим олишни амалга ошириш учун ижобий мотивациясини ва ўз-ўзини тарбиялаш компетенциясини шакллантириш жараёни аниқ индивидуал хусусиятга эга эканлиги билан боғлиқ. Бунда бўлажак ўқитувчининг фаол иштироки ва бу жараёнга шахсий қизиқишини ўз ичига олади. Таълимнинг кредит-модуль тизими ҳар бир бўлажак ўқитувчилар учун индивидуал режанинг мавжудлигини таъминлайди, бу ерда у ўз таълим траекториясини мустақил равишда белгилайди ва ўқув жараёни давомида индивидуал режани амалга оширишга эришади.

Бўлажак ўқитувчиларда ўз-ўзини тарбиялаш ва мустақил таълим олиш фаолияти учун ижобий мотивацияни шакллантириш жараёнини тартибга солишда, уларнинг таълим олиш мотивларини билиш керак.

Шундай қилиб, бўлажак ўқитувчиларда ўз-ўзини тарбиялаш ва мустақил равишда таълим олиш фаолиятининг онгли ва барқарор ички мотивларини шакллантириш, уларни мустақил равишда тизимли таълим олишни тарбиялашга ундаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, баъзи муаллифларнинг таъкидлашича, ташқи мотивларни эътиборсиз қолдириб бўлмайди, чунки улар ўз-ўзини тарбиялаш ва мустақил равишда таълим олиш фаолиятида ҳаракат қилишади. Одатда, мунтазам равишда такрорланадиган ҳаракат мотивлари чуқур ички мотивларнинг шаклланишига олиб келади [22].

Бу борада Е.Л.Деци [24], Р.М.Раян [24], А.Н.Леонтиев [23]нинг фикрига кўра, таълим мотивациясининг тузилиши динамик характерга эга эканлиги билан изоҳланади. Бўлажак ўқитувчининг мустақил таълим олиш жараёнида мотивларнинг мазмуни ўзгаради ва мураккаблашади. Бўлажак ўқитувчининг мустақил таълим олиш маданиятини шакллантиришдан ўз-ўзини тарбиялаш мотивацияси даражаси ошади [23, 24]. Б.Ф.Райскийнинг таъкидлашича, ривожланган мотивацияга эга бўлган бўлажак ўқитувчилар мустақил ўрганиш учун ўзларида янада мукамал мотивларни ривожлантиришга интиладилар [46].

Бўлажак ўқитувчиларнинг фаол мустақил таълим олиш тизимли жалб қилиш, уларга ўз-ўзини тарбиялашнинг муҳимлигини тушунишга ёрдам беради.

Шу боис бўлажак ўқитувчиларнинг кредит-модуль тизимига мослаштириш жараёнида ўз-ўзини тарбиялаш ва мустақил таълим олиш фаолиятига йўналтириш лозим: ўз-ўзини тарбиялаш ихтиёрий (мотивацион соҳа) бўлиши; шахснинг ўз идеаллари, ҳаётий режалари ва улардан келиб чиқадиган таълим вазифалари ва мақсадларидан хабардорлиги (мақсадни белгилаш); бўлажак ўқитувчиларда фанни мустақил ўзлаштириш (процессуал томони) ва билиш жараёнини фаоллаштириш мақсадида иш усулларини танлаш, вақтни режалаштириш, ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларини ривожлантириш.

Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятида режалаштирилган натижалар билан эришга натижаларини доимий равишда солиштириш, яъни мониторинг қилиш муҳим саналади. Таълимдаги мониторингига оид тавсиялар А.А.Елютина [25], М.Е.Бершадский [26], В.В.Гузев [26]ларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Уларнинг таъкидлашича, таълим мониторингни “таълим тизимида ёки шахсда маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва тарқатиш тизимидир. Унинг элементлари, исталган вақтда объектнинг ҳолатини баҳолаш ва унинг ривожланишини башорат қилиш имконини беради. Белгиланган мақсадларга эришиш ва объектни ривожлантиришга йўналтирилган асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган ахборот асосини таъминлайди” [26; 16-б.]. Мониторингнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишнинг асосий воситаси бўлажак ўқитувчиларнинг билимини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими бўлиб, у кредит-модуль тизимининг атрибутив характеристикаси ҳисобланади, уларнинг ўқув фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил этиш ҳамда узлуксиз таълим натижаларини мониторинг қилиш ва ривожланишини башорат қилишдан иборат ҳисобланади. Натижада таълимнинг кредит-модуль тизимида бўлажак ўқитувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялаши ва мустақил таълим олиш ҳам ахборот характерига эга. Шу билан бирга, маълумотларнинг сифати ва долзарблиги ўз-ўзини тарбиялаш қобилиятини шакллантириш жараёнининг самарадорлигини белгилайди. Бу билан кредит-модуль тизимига нисбатан ижобий муносабатни шакллантиришдир.

Педагогик ва психологик адабиётларни таҳлил қилиш, тадқиқот ва касбий тажрибани умумлаштириш асосида биз бўлажак ўқитувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялаш ва мустақил таълим олиш компетенциясини шакллантириш тизимининг самарали ишлашининг шартларидан бири бу мустақил ўқув фаолиятида ўз-ўзини фаоллаштириш деган хулосага келдик. Буларни электрон таълим ресурслардан (мультимедиали иловалар, анимацияли кўргазмалли қурооллар, электрон тарқатма материаллар, ўргатувчи ўқув воситалар, виртуал таълим технологиялари, диагностик килувчи тизимлар) фойдаланиш орқали самарали натижаларга эришиш имконияти мавжуд.

Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятида вебга мўлжаллагна электрон таълим ресурслардан фойдаланиш орқали уларнинг фаол билиш фаолиятини оширишга ва касбий компетентлигини ривожлантиришга эришилади. Бу борада А.О.Норбеков [27], М.Х.Лутфиллаев [28]ларнинг фикрига кўра, электрон таълим ресурслар таълим олувчини аудиторияда ўзлаштирилган билимларини тизимлаштиришга, янги билмларга эга бўлишга ва тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш имкониятини яратади. Шунингдек, таълим олувчини ўзини-ўзи мустақил равишда билмини баҳолаш имкониятини яратади. Бунинг учун онлайн стандарт ва ностандар тест материални босқичма-босқич мураккаблаштириш, етакчи саволлар тизими, тузатиш усуллари, саволлар тизими, машқлар, материални ўзлаштиришдаги хатоларнинг моҳиятини ва уларнинг сабабларини аниқлаш учун топшириқлар орқали бўлажак ўқитувчиларнинг билим фаоллигини рағбатлантиришга имкон беради. Бу бўлажак ўқитувчиларнинг кейинги билим олишга ундайди.

Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини самарали ташкил этишда тавсия этилаётган электрон таълим ресурслар билан бирга замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш муҳим саналади. Бўлажак ўқитувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялашда ва мустақил таълим олишда замонавий таълим технологияси сифатида веб-квест таълим технологияси муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Веб-квест таълим технологияси ёрдамида бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил таълим олишда глобал тармоққа жойлаштирилган ўқув воситалардан фойдаланишга қаратилганлиги билан самарали ҳисобланади. Бунинг натижасида бўлажак ўқитувчилар глоба тармоқнинг турли гипербоғланишларига мурожаат қилган ҳолда, ушбу маълумотлар билан ишлашни ўрганишига, шу билан бирга билимларни ўзлаштиришнинг фаол когнитив фаолиятга жалб этишга эришилади.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини самарали ташкил этишда, дастлаб педагогик шартларга амал қилиш орқали веб-квест таълим технологиясидан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш лозим. Бунинг натижасида, кредит-модуль тизими шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил таълимини самарали ташкил этишга эришиш имконияти яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сластенин В.А., Исаев А.М., Мищенко А.М. Педагогика // Учеб. пособие для студентов педагог. учебных заведений. – М.: Школа-Пресс, 1997. – 512 с.
2. Философский энциклопедический словарь / Е. Ф. Губский, Г. В. Короблёва, В. А. Лутченко. – М., 2000. – 134 с.
3. Алина Ю.Ш., Татьяна В.С. Педагогические условия использования проектной деятельности для формирования проектно-исследовательских компетенций обучающихся педагогического колледжа // https://dspace.kpfu.ru/xmlui/bitstream/handle/net/131739/277_284.pdf?sequence=-1

4. Баженова Н. Г., Хлудеева И. В. Педагогические условия, ориентированные на развитие: теоретический аспект // <file:///C:/Users/User/Downloads/pedagogicheskie-usloviya-orientirovannye-na-razvitie-teoreticheskiy-aspekt.pdf>
5. Парсонс Т. О структуре социального действия. – М.: Академический Проект, 2002. – 800 с.
6. Лысенко А.В. Психолого-педагогические условия формирования профессиональноценностных ориентаций будущего учителя музыки // Дис. ... канд. пед. наук. – Майкоп, 2005. – 203 с.
7. Сверчков А.В. Организационно-педагогические условия формирования профессиональнопедагогической культуры будущих спортивных педагогов // Молодой ученый. 2009. – №4. – С. 279-282.
8. Ипполитова Н. Анализ понятия «педагогические условия»: сущность, классификация / Н. Ипполитова, Н. Стерхова // *General and Professional Education*. – 2012. – № 1. – Р. 8-14.
9. Ширяева В. А. Педагогические условия формирования универсальной ключевой компетенции [Электронный ресурс] // http://www.sgu.ru/sites/default/files/textdocsfiles/2013/07/15/i-09_shiryayeva.pdf.
10. Хушбахтов А. Х. Терминология «педагогические условия» // Молодой ученый. 2015. – № 23 (103). – С. 1020-1022.
11. Володин А. А., Бондаренко Н. Г. Анализ содержания понятия «организационно-педагогические условия» //
12. <file:///C:/Users/User/Downloads/analiz-soderzhaniya-ponyatiya-organizatsionno-pedagogicheskie-usloviya.pdf>
13. Демидова Г. А. Организационно-педагогические условия формирования лидерского потенциала менеджера социально-трудовой сферы в рефлексивной среде дополнительного профессионального образования // Педагогические и психологические науки: актуальные вопросы: материалы Международной заочной научно-практической конференции. Ч. I. (31 октября 2012 г.). Новосибирск: Изд-во «Сибирская ассоциация консультантов», 2012. – 200 с.
14. Сверчков А. В. Организационно-педагогические условия формирования профессионально-педагогической культуры будущих спортивных педагогов // Молодой ученый. 2009. – №4. – С. 279-282.
15. Загвоздкин В. Психологическое благополучие ребенка как условие реализации ФГОС ДО: метод пошаговой адаптации // Дошкольное воспитание. 2017. – № 4. – С. 4-9.
16. Долгов П.Т. Психолого-педагогические условия формирования и развития мотивации профессионального роста руководителя (на примере образовательных учреждений) // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата психологических наук. – Санкт-Петербург, 1999. – 24 с.
17. Михайлова С.Б. Педагогические и психологические условия активизации художественно-творческой деятельности учащихся младших классов детской школы искусств // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. – Москва, 2004. – 32 с.
18. Ермолаева М.В. Психолого-педагогическое сопровождение пожилого человека: субъектный подход // Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора психологических наук. – М., 2010. – 52 с.
19. Романова М.А. Формирование психолого-педагогического потенциала учителя начальных классов // Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора психологических наук. – М., 2011. – 45 с.
20. Ключенко Е.В. Дидактические условия эффективности учебной деятельности обучающихся // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. – Ставрополь, 2003. – 21 с.
21. Шамсутдинова Р.Г., Шувалова Е.М. дидактические условия формирования профессионального мышления у студентов-историков // Монография. – Казань, 2016. – 136 с.
22. Шалин М. И. Организационно-педагогические условия развития конкурентоспособности личности старшеклассника // Теория и практика образования в современном мире: материалы III Междунар. науч. конф. (г. Санкт-Петербург, май 2013 г.). – Санкт-Петербург : Реноме, 2013. – С. 47-49.
23. Чирков В.И. Самодерминация и вну-тренняя мотивация поведения че-ловека // Вопросы психологии. 1996. – № 3. – С. 116–132.
24. Ражабов Н. КОНСТИТУЦИОННО-ПРАВОВАЯ ОСНОВА ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВА НА ЭКОЛОГИЧЕСКИ ЧИСТУЮ ПРОДУКЦИЮ // *Review of law sciences*. – 2020. – Т. 3. – №. Спецвыпуск. – С. 179-183.
25. Леонтьев В. Г. Мотивация и психологические механизмы ее формирования. – Новосибирск: ГП «Новосибирский полиграфкомбинат», 2002. – 264 с.
26. Deci E.L., Ryan R.M. Self-determination theory: A macrotheory of human motivation, development and health // *Canadian Psychology*. 2008. Vol. 49. – P. 182-185.

27. Sharifbaevich, R. N. (2022). Digitalization of Environmental Regulation: Legal Aspects. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(6), 374–380. Retrieved from <https://www.grmjournals.us/index.php/ajshr/article/view/1263>
28. Елютина А.А. Подготовка руководителей школ к проведению педагогического мониторинга в системе повышения квалификации и профессиональной переподготовки // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. – Барнаул, 2004. – 20 с.
29. Бершадский М.Е., Гузев В.В. Дидактические и психологические основания образовательной технологии. – М.: Центр «Педагогический поиск», 2003. – 256 с.
30. Норбеков А.О. Бўлажак информатика ўқитувчиларини тайёрлашга мўлжалланган ахборот таълим муҳитларини яратиш ва фойдаланиш усуллари // Муғаллим ҳам узлуксиз билимлендириу илмий-методикалык журнали. – Нукус, 2020. – № 3-1. – Б. 85-88.
31. Лутфиллаев М.Ҳ. Олий таълим ўқув жараёнини такомиллаштиришда ахборот технологияларини интеграциялаш назарияси ва амалиёти (Информатика ва табиий фанлар мисолида) // Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2007. – 246 б.